

**САМАРҚАНД ВИЛОЯТ СУДИ ЖИНОЯТ ИШЛАРИ БЎЙИЧА  
СУДЛОВ ҲАЙЪАТИ АПЕЛЛЯЦИЯ  
ИНСТАНЦИЯСИНИНГ  
А Ж Р И М И  
№ 1-1416-2202/416**

2023 йил февраль ойининг 9 куни Самарқанд вилоят суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати апелляция инстанцияси ўз биносида, жиноят ишлари бўйича ВВВ туман суди биносидаги видеоконференцалоқа тизими орқали боғланган ҳолда, очиқ суд мажлисида,

раислик қилувчи вилоят судининг судьяси М.Эргашев, ҳайъат судьялари Ф.Худойбердиев ва Х.Келдияровадан иборат таркибда, судья катта ёрдамчиси Ф.Мухаммадиевнинг котиблигида, тарафлардан Самарқанд вилоят прокуратураси бўлим прокурорлари Ж.Авазхонов ва Н.Уразалиев, судланувчилар Ф.М ва Г.Ва ҳамда уларнинг ҳимоячилари – адвокат М.Юлдашев, Н.Сафаров, судланувчи Ф.Мнинг ҳимоячиси – адвокат Ш.Хамраев, жабрланувчи О.Ф ва унинг ҳимоячиси – адвокат А.Мусурмановларнинг иштирокида жиноят ишлари бўйича ВВВ туман судининг 2022 йил 19 декабрдаги ҳукмига асосан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 105-моддаси 2-қисми “и” банди билан судланувчилар

**М** 1993 йил 29 сентябрда ВВВ туманида туғилган, Ўзбекистон фуқароси, ўзбек, маълумоти ўрта, оилали 2 нафар фарзанди бор, вақтинча ишсиз, муқаддам судланмаган, ВВВ тумани “Бойбул” маҳалласида яшаган, иш бўйича “қамоққа олиш” тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилган:

**Ва Қ** 1997 йил 19 сентябрда ВВВ туманида туғилган, Ўзбекистон фуқароси, ўзбек, маълумоти олий, оилали 1 нафар фарзанди бор, уй бекаси, муқаддам судланмаган, ВВВ тумани “Бойбул” маҳалласида яшайди, иш бўйича “муносиб ҳулқ-атворда бўлиш тўғрисида тилхат” тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилганга

нисбатан чиқарилган ҳукм юзасидан судланувчилар Ф.М ва Г.Ва ҳамда уларнинг ҳимоячилари – адвокат Ш.Алимов ва М.Юлдашевлар томонидан келтирилган апелляция шикоятларига асосан жиноят ишини апелляция тартибида кўриб чиқиб, қуйидагиларни

**А Н И Қ Л А Д И :**



Ф.Мга Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 105-моддаси 2-қисми “и” банди билан 3 йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган.

Г.Вага Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 105-моддаси 2-қисми “и” банди билан 3 йил озодликни чеклаш жазоси тайинланган.

Суднинг ҳукмига кўра, Ф.М 2022 йил 14 сентябрь куни соат 1930ларда ВВВ тумани “Зарафшон” маҳалласида яшовчи қудаси О.Фнинг яшаш уйига синглиси Г.Ва билан нарсаларини олиб кетиш мақсадида келиб, ушбу хонадонда О.Ф ва унинг қизи О.Облоқуловалар билан ўрталарида келиб чиққан ўзаро келишмовчилик натижасида жанжаллашиб қолиб, жанжал давомида синглиси Г.Ва билан бир гуруҳга бирлашиб, Г.Ва қайнонаси О.Фни ерга йиқитиб, унинг бош қисмига оёғи билан қасддан тешиб, ўртача оғирликдаги тан жароҳати етказган.

Г.Ва - 2022 йил 14 сентябрь куни соат 1930ларда ВВВ тумани “Зарафшон” маҳалласида яшовчи қайнонаси О.Фнинг яшаш уйига ўзининг нарсаларини олиш учун акаси Ф.М билан ушбу хонадонга келган вақтида, ушбу хонадонда яшовчи О.Ф ва унинг қизи О.Облоқуловалар билан ўрталарида келиб чиққан ўзаро келишмовчилик натижасида жанжаллашиб қолиб, жанжал давомида акаси Ф.М билан бир гуруҳга бирлашиб, қайнонаси О.Фни елкасидан итариб ерга йиқитиб, унинг фаол қаршилигини енгиб, имкониятларини чеклаган вақтида ушбу ҳолатдан акаси Ф.М фойдаланиб О.Фни бош қисмига оёғи билан қасддан тепишига шароит яратиб берган, қолаверса жанжалдан сўнг ерда ётган О.Фни бошига ўзи ҳам оёғи билан тешиб, унга тан жароҳати етказган.

Судланувчи Ф.М ва Г.Ва ҳамда уларнинг ҳимоячилари – адвокат Ш.Алимов ва М.Юлдашевлар томонидан келтирилган апелляция шикоятларида дастлабки тергов ва биринчи инстанция суди иш ҳолатларини тўлиқ текширмасдан, далилларни холис баҳоламасдан ишни бир томонлама олиб борганлиги, жабрланувчи О.Фга етказилган тан жароҳати бўйича чиқарилган суд-тиббий экспертиза хулосаси асослантилмаганлиги сабабли гувоҳларни сўроқ қилиш, иш ҳужжатларини текшириш орқали, жабрланувчига етказилган жароҳатнинг ҳақиқий оғирлик даражасини аниқлаган ҳолда енгиллаштирувчи ҳолатларни инобатга олиб, судланувчи Ф.Мга озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазо қўллаш орқали адолатли қарор қабул қилишни сўраган.

Судлов ҳайъати, иш бўйича вилоят судининг судьяси Х.Келдиярованынг маърузасини, прокурор Ж.Авазхонов, жабрланувчи О.Ф ва унинг ҳимоячиси А.Мусурмановнинг шикоятларни қаноатлантиришсиз қолдириш ҳақидаги, судланувчи Ф.М ва Г.Ва ҳамда уларнинг ҳимоячилари – адвокат М.Юлдашев, Ш.Хамраевларнинг шикоятларни қаноатлантириш ҳақидаги фикрларини тинглаб, келтирилган важларни жиноят иш ҳужжатлари билан бирга таҳлил қилиб, қуйидаги асосларга кўра суднинг ҳукмини ўзгаришсиз, апелляция шикоятларини қаноатлантирмасдан қолдиришни лозим топди.



Ф.Мнинг айби, дастлабки тергов ва судда сўроқ қилинган жабрланувчи ва гувоҳларнинг кўрсатувлари, ариза, судга оид тиббиёт экспертизанинг хулосаси, тушунтириш хатлари, сўроқ ва юзлаштириш баённомалари ҳамда жиноят ишида тўпланган холисона далиллар йиғиндиси билан тўлиқ ўз исботини топган.

Биринчи инстанция суди томонидан Ф.М ва Г.Ванинг жиноий ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 105-моддаси 2-қисми “и” банди билан тўғри квалификация қилинган.

Шикоятлардаги, дастлабки тергов ва биринчи инстанция суди иш ҳолатларини тўлиқ текширмасдан, далилларни холис баҳоламасдан ишни бир томонлама олиб борганлиги ҳақидаги важлари асоссиздир.

Чунки, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2018 йил 24 августдаги “Далиллар мақбуллигига оид жиноят-процессуал қонуни нормаларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида”ги қарорида, далил тегишли субъект томонидан, яъни далилни олиш билан боғлиқ бўлган процессуал ҳаракатни ўтказишга ваколатли мансабдор шахс томонидан олинган бўлиши, фактга оид маълумотлар фақат ЖПК 81-моддасининг иккинчи қисмида қайд этилган манбалардан олинган бўлиши, далил уни олиш билан боғлиқ процессуал ҳаракатни ўтказишга оид қоидалар ва тартибга риоя этилган ҳолда олинган бўлиши, далилни олишда тергов ва суд ҳаракати жараёни ва натижаларининг қайд этилишига доир қонуннинг барча талабларига амал қилинган бўлиши далиллар мақбуллигининг шартлари сифатида қайд этилган бўлиб, ишни дастлабки тергов органи ва биринчи инстанция судида кўришда юқоридаги қоидаларга амал қилган ҳолда тўпланган далилларга баҳо бериб, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 22-моддаси талабига асосан иш бўйича исботланиши лозим бўлган барча ҳолатларни синчковлик билан, ҳар томонлама, тўлиқ ва холисона текшириб, қонуний тўхтамга келган.

Шикоятлардаги, жабрланувчи О.Фга етказилган тан жароҳати бўйича чиқарилган суд-тиббий экспертиза хулосаси асослантилмаганлиги ҳақидаги важлар билан келишиб бўлмайди.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2007 йил 27 июндаги 6-сонли “Баданга қасддан шикаст етказишга оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги Қарорининг 1-бандида, баданга шикаст етказиш деганда, инсон органлари ёки организми тўқималари анатомик тўқислиги ёки улар физиологик функциясининг ташқи таъсир оқибатида бузилиши тушунилмоғи лозимлиги, баданга етказилган шикастнинг хусусияти ва оғирлик даражасини аниқлаш, одатда, тиббиёт органлари ваколатига тааллуқли бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирининг 2012 йил 1 июндаги 153-сонли буйруғи билан тасдиқланган тан жароҳатларининг оғирлик даражасини суд-тиббий аниқлаш қоидаларига мувофиқ ўтказилиши ҳақида тушунтириш берилган.

Шу сабабли шикоятдаги жабрланувчи О.Фга етказилган тан жароҳати бўйича чиқарилган суд-тиббий экспертиза хулосаси асослантилмаганлиги ҳақидаги важлар, апелляция судида сўроқ



қилинган Давлат суд-тиббий эксперти Қ.Азимовнинг, ВВВ туман ИИБ 3-сон ИИБ профилактика инспекторининг 2022 йил 15 сентябрдаги қарорига кўра О.Фни суд тиббий экспертиза текширувидан ўтказганлиги, текширув якунига кўра, унинг жароҳатлари “ўрта оғирликдаги шикаст” гуруҳига кириши ҳақида хулосага келинганлиги, хулосага кўздан кечирилганда аниқланган тан жароҳатлардан ташқари, ВВВ туман 1-сонли шифохонасининг №42-сонли амбулатор тиббий картаси, РШТТЎИМ Самарқанд филиалининг №14365/1407-сонли стационар беморнинг тиббий картаси, Тойлоқ тумани “Нур шифо” ташхис ва даволаниш марказининг тиббий компьютер томографияси, эксперт-рентгенолог М.Салимовнинг маслаҳатномаси асос қилиб олинганлиги, О.Фнинг бош қисмидаги жароҳатлар оғирлик даражасини алоҳида ажратиб кўрсатишни имкони йўқлиги, тиббий карталар экспертиза текширувидан сўнг терговчи ёки ваколатли шахснинг сўровига кўра иш ҳужжатларига қўшилмаган тақдирда тегишли тиббиёт муассасасига юборилиши, О.Фнинг бош суяги синган бўлиши эҳтимолига ойдинлик киритиш учун эксперт-рентгенолог М.Салимовнинг маслаҳатномасини олганлиги, тиббий карталарда жароҳат атрофлича баён қилинганлиги сабабли нейрохирург билан маслаҳатлашилмаганлиги, агар ташхис тушунарсиз ёки шубҳали бўлганда алоҳида нейрохирург билан маслаҳатлашилиши, бош мия чаноғидаги синиқ ва ёриқлар бўлиши травматик ўзгариш ҳисобланиши, компьютер томографияси текширувига қадар О.Фнинг жароҳати енгил турдаги жароҳат сифатида баҳоланганлиги, бироқ томография натижаси унинг жароҳатларини ўртача оғирликдаги жароҳатлар турига киришини тасдиқлаганлиги, бош соҳасидаги жароҳатларни алоҳида ажратиб кўрсатиб бўлмаслиги сабабли уларнинг барчаси жамланган ҳолда ўрта оғирликдаги шикаст гуруҳига кириши ҳақида хулосага келинганлиги, миёдаги қон инсон организми ҳолатига қараб бир ҳафтадан бир ойгача бўлган вақт оралиғида сўрилиб кетилиши, ушбу текширувни Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирининг 2012 йил 1 июндаги 153-сонли буйруғи билан тасдиқланган “Тан жароҳатларининг оғирлик даражасини суд-тиббий аниқлаш қоидалари”га асосан ўтказганлиги ҳақидаги кўрсатувлари;

РСТЭИАМСФ ВВВ туман суд-тиббий экспертизасининг, О.Фнинг танасида яъни бошнинг тепа соҳасида, иккала чакка соҳасида кўкрак соҳасида, пешона соҳасида, чап ёноқ соҳасида, ўнг кўз қовоқлари соҳасида, бўйича соҳасида, кўкрак соҳасида қонталашлар, бошнинг чап чакка соҳаси, пешона-тепа соҳаси, чап кўз қовоқлари соҳаси, бўйин соҳаси, кўкрак соҳаси юмшоқ тўқималарининг лат ейиши, бош миёнининг ўрта даражали лат ейиши, бош миёнининг ўнг чакка-тепа соҳасида мия тўқимасига қон қуйилиши, чап томон гаймор ва чап томон асос бўшлиғи соҳасига қон қуйилиши каби тан жароҳатлари мавжудлиги, улар ўтмас-қаттиқ жисмлар таъсирида етказилганлиги, бу тан жароҳатлари одатдаги кечувда соғлиқнинг йигирма бир кундан кўп, бир юз йигирма кундан кам бўлган муддатда бузилишига олиб келиши, шунинг учун “ўрта оғирликдаги шикаст” гуруҳига кириши, етказилган вақти қарорда, амбулатор беморнинг



тиббий баёнида, стационар беморнинг тиббий картасида ва текширилувчи шахснинг кўрсатма берган муддатига яъни 2022 йил 14 сентябрь кунига тўғри келиши мумкинлиги ҳақидаги нисбатан 2022 йил 10 октябрдаги 396-сонли хулосаси, иш ҳужжатларидаги судланувчи, жабрланувчи ва гувоҳларнинг кўрсатувлари, тушунтириш хатлари, маълумотномалар ҳамда бошқа далиллар мажмуи билан тўлиқ инкор этилади.

Юқоридагиларга асосан судлов ҳайъати, О.Фнинг тан жароҳатларини тасдиқловчи экспертиза хулосаси асослантилмаганлиги ҳақидаги важларини судланувчиларнинг жавобгарлигини енгиллаштириш ёки жавобгарликдан қутилиб қолишлари учун келтирган ишончга сазовор бўлмаган важлар деб танқидий баҳолайди.

Апелляция суди шикоятлардаги енгиллаштирувчи ҳолатларни инобатга олиб Ф.Мга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазо қўллаш ҳақидаги важларга ҳам қўшилмади.

Чунки, биринчи инстанция суди томонидан Ф.Мга нисбатан жазо тури ва меъёрини белгилашда, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг инсонпарварлик ва одиллик принциплари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли Қарорининг 3-бандидаги, жиноят кодексининг 8,54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши - ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилиқ даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши кераклиги;

26-бандидаги “Озодликдан маҳрум қилиш жазо тариқасида оғир ва ўта оғир жиноятлар содир этган шахсларга, шунингдек судланувчининг шахсини инобатга олган ҳолда — ижтимоий хавфи катта бўлмаган ва унча оғир бўлмаган жиноятларни содир қилган шахсларга нисбатан, агар бундай шахсларни жамиятдан ажратмаган ҳолда ахлоқан тузатишнинг имкони бўлмаса, қўлланилади” деган раҳбарий тушунтиришларга риоя қилган ҳолда, қонунийлик, одиллик, инсонпарварлик ва жавобгарликнинг муқаррарлиги тамойилларига асосланиб, Ф.М содир этган жиноятининг хусусияти ва ижтимоий хавфлилиқ даражасини, жабрланувчининг даъвоси борлигини инобатга олиб, қонун санкцияси доирасида озодликдан маҳрум қилиш жазосини тайинлаб қонуний тўхтамга келган.

Юқоридагиларга асосан, судлов ҳайъати шикоятлардаги важлар суд ҳукмини ўзгартириш ёки бекор қилишга асос бўла олмаслиги сабабли суд ҳукмини ўзгартиришсиз, апелляция шикоятларини қаноатлантирмасдан қолдиришни лозим топди.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 497<sup>13</sup>, 497<sup>26</sup> ва 497<sup>31</sup> - моддаларига амал қилиб, апелляция инстанцияси суди;

**А Ж Р И М Қ И Л А Д И:**



Жиноят ишлари бўйича ВВВ туман судининг 2022 йил 19 декабрдаги **М** ва **Ва Қ**ларга нисбатан чиқарилган ҳукми ўзгаришсиз, апелляция тартибидаги шикоятлар қаноатлантирилмасдан қолдирилсин.

<b>Раислик қилувчи:</b>	<b>(имзо)</b>	<b>М.Эргашев</b>
<b>Ҳайъат судьялари:</b>	<b>(имзо)</b>	<b>Ф.Худойбердиев</b>
	<b>(имзо)</b>	<b>Х. Келдиярова</b>
<b>Аслига тўғри:</b>		

Ҳужжат имзоланган: Келдиярова Хулкар Худояровна, 14.02.2023

